



Ўзбекистон режимининг сал кам 17 йиллик собиқ маҳбуси, миллатпарвар адиб Мамадали Маҳмудов 75 ёшида ватандан айро яшашга осонгина кўнган эмас.

Ўзбекнинг сеvimли ёзувчиси юртни тарк этишдек мудҳиш қарорга ўз-ўзидан келган эмас.

Мамадали Маҳмудовни шунга



квитанцияларини олиб чиқиб кўрсатган бўлишига қарамасдан, “Газ ҳисоблагич ўрнатилмаган. Бу квитанцияларингиз бекор. Бизда янги қонун чиққан. Газ ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадон соҳиблари ойига 750 минг сўмдан тўлаши белгилаб кўйилган. Сизлар 2010 йилдан то 2016 йилга қадар ойига 750 минг

МАМАДАЛИ МАҲМУДОВ: “ЎЗБЕКИСТОННИ ТАРК ЭТМАСАМ МЕНГА ТИНЧЛИК БЕРИШМАЙДИ...”

мажбур қилишмоқда.

Режим, ундаги илдиз отган коррупция, қонунсизлик ортидаги қаро қилмишлар адибни беватан қилишга қасд қилмоқда.

Адибда мамлакатни тарк этишдек аламли қарор қабул қилишга ундовчи, мажбурловчи сабаблар сероб.

Гарчи қамокхона қийноқларидан қутилган бўлса-да, уй тутқунлигида ўтирган адибнинг ҳар қадами ўлчовда, ҳар сўзи синовда.

Дейлик, озодликка чиққан адибнинг Бешкекка боришига монелик қилишди. Қозоғистонга, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишдек орзусини сароб этишди.

Фарзандларининг хотиржам ҳаётига таҳдид этишди, тинчини бузишди.

Озодликка чиққан бўлса-да эркининг таъмини тотган эмас, режимнинг қонли панжалари адиб бўғзини бир бор бўлса-да кўйган эмас, ҳамон чангаллаб турибди.

Мамадали Маҳмудов ҳамон тузим тўрида.

Провардида, асрлик аламидан алангаланган адиб бир неча бор Ўзбекистон президентиға мурожаат этишга мажбур бўлди.

Бу режимнинг жирканч қиёфасини ўз асарларида муттасил тарзда фош қилди.

Ёзганлари, ёнганларининг мукофоти адибға қимматга тушадиган бўлди.

Айни дамда режим Мамадали Маҳмудовнинг оиласини иқтисодий танглик исқанжасида эзиш пайида.

Айнан ана шу истакда 2016 йилнинг 30 май куни адибнинг уйига режимнинг содиқ малайлари томонидан босқинчилик уюштирилди.

Шундай бўлди.

Рафиқамнинг қаттиқ қичқирғидан уйғониб кетдим. Чиқиб қарасам, ҳовлининг том баробар баланд деворидан уйга ўн киши ошиб тушган, — дейди Мамадали Маҳмудов, — Куппакундуз куни уйга босқинчилар бостириб киришдим деб ўйлабман.

“Кимсизлар? Сизга нима керак? Ўзганинг хусусий мулкига сўроқсиз нега томдан ошиб тушасиз?” деган саволимга жавобан зўраовнлар “Биз газ идорасиданмиз. Газдан хонадонингизда 850 миллион сўмлик қарздорлик ҳисобланган. Кўнғирок чалдик, дарвозани очмадингиз. Зудлик билан қарзларингизни тўлашингизни талабқиламиз. Акс ҳолдагазингизни узиб кетамиз” дея дағдаға қилиб қолишди.

“Хужжатларингизни кўрсатинг, эҳтимол ўғридирсиз? Исм-шарифларингизни айтинг?” дея талаб қилдим. Бироқ улар ўзларини таништиришдан, хужжатларини кўрсатишдан бош тортишди. 2016 йилга қадар ойма-ой газ ҳақини тўлаб келганмиз. Рафиқам газнинг тўлов

сўмдан тўлашга мажбурсиз. Бу 850 миллион сўмни ташкил қилади. Токи тўламас экансиз, газни узиб кетамиз” дейишди. “Қани, ўша қонунингни кўрсатчи?” десак, кўрсатишмайди, парвойига ҳам келтиришмайди, — куйнади адиб.

Бунингдек бедодликдан юрагини чангаллаб қолган Мамадали Маҳмудов беҳуш йиқилди. “Тез ёрдам” машинаси биринчи тез тиббиёр ёрдам кўрсатиб, адибни хушига келтиргач, дарҳол шифохонаға олиб кетиш лозимлигини билдирди.

Бироқ, босқинчилар адибнинг аянчлиаҳволиға ҳам қараб ўтиришмади. Темир нарвонларини кўйиб, яна томға чиқишди ва газ қувирларини арралаб, кесиб кетишди.

3 қаватли, маҳобатли ҳовлида истиқомат қиладиган қўшним бор, — дейди Мамадали Маҳмудов, — Газ трубаларини кесиб кетишгач, ўша қўшнимни чақиртирдим. Ойига газға қанча тўлаши билан қизиқдим. Ҳамсоям газнинг ойлик тўлов квитанцияларини кўтариб чиқди. Қиш кунлари 300 минг сўмдан, ёзнинг иссиқ кунларида 100 минг сўмнинг нари-берисида газ ҳақи тўлашаркан. Уларнинг уйи ҳайҳотдек, уч қават. Ертўласи билан тўрт қават бўлиб, ертўлага ҳам газ уланган экан. Аммо уйларига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳали газ ҳисоблагич ўрнатилмаган. Умуман олганда маҳалламиздаги 80 фоиз аҳолининг хонадонига газ ҳисоблагич қўйилмаган. Биз бир неча йиллар олдин газ ҳисоблагич ўрнатишларини сўраб Мирзо Улуғбек туман газ идорасига ариза билан мурожаат қилганмиз. Бироқ эътиборсизлик қилишган. Нега биз оёғига газ истеъмоли учун 750 минг сўм тўлашимиз керак? Бизнинг нонвойхонамиз йўқ. Пишириқ цехимиз ҳам мавжуд эмас. Ахир олаётган нафакамга мушук ҳам офтобга чиқмайди-ку?! Оёғига 750 минг сўм газ ҳақи тўлаш деган гаплар қаердан чиққан. Бу аҳолининг ойлик иш ҳақига мувофиқ келмайди-ку. Бу қандайин ҳақорат! Дўхтирлар менга “Қимирлаш, ўриндан туриш мумкин эмас, ётишингиз керак” дея тайинлаб кетган бўлишларига қарамасдан, кўни-кўшниларникига чиқиб суриштирдим. Буни қарангки, 10 кишилик газ идорасининг босқинчилари бирорга кўшнингнинг эшигини қоқмаган, уйги бош суқмаган. Барча бало менга, менинг уйимга қаратилган

экан. Газ ҳақидаги қонунлари фақат Маҳмудовдан ундиришга қаратилганми? Токи менга ўша қонунларини кўрсатишмас экан, мен уларнинг ҳаракатлари ҳолис эканлигига ишонмайман, – дея оташин бўлади адиб.

Пойтахт шаҳарда чўп, ўтин, учоқ деган гап бўлмаса. Шу сабаб Мамадали Маҳмудовнинг бутун оиласига қизлари Ватан Маҳмудова уйдан уч маҳал иссиқ овқат қилиб, келтириб бериб турибди.

Дарвоқе, Маҳмудовлар оиласи туман газ идорасига арз қила-қила уй деворидан ошиб тушган 10 нафар “газовик” ниқобидаги босқинчилардан бирининг шахсини аниқлашга муваффақ бўлишди. “Банда” бошлиғи Мирзо Улуғбек туман газ идораси ходими Ғанишер Аҳмадалиев эканлиги маълум бўлган.

Азборойи асабийлашганимдан мана энди чап оёғим, чап кўлимни ололмасдан ўтирибман. Бу нима деган гап ахир. Қўлимизда газ истеъмоли учун 2016 йилга қадар ойлик тўлов қитанциялари бўла туриб, яна 850 миллион сўм қарздорлик ҳисоблаб ўтиришса. Уйингга 10 киши бўлиб девор

ошиб тушишса, газ қувирларингни узиб кетишса. Тинчгина яшашга қўйишадими булар, ёки йўқми? – дея арзу ҳол қилади адиб.

Адибга кўра унинг мавжудлиги, ёзувчи эканлиги фарзандларининг хотиржам яшашига соя солмоқда. Мамадали Маҳмудов ортидан бутун бир оила жабр кўрмоқда.

Яшаш шу қадар қийинлашиб кетганки, рўзғорни тебратишга қурбимиз етмайди. Зўр-баъзўр кун ўтказмоқдамиз. Халқни хароб қилди, муродлари ҳосил бўлди. Яна нима исташади булар. Нафас олишимизни ҳам кўп кўришмоқдами? – дея ғам чекади адиб, — Лоақал бир кун бўлса ҳам халоватда кун кўрсам дейман. Бехавотир яшашни истайман. Ўзбекистонни тарк этмасам менга тинчлик беришмайди, хотиржам яшашга йўл қўйишмайди деган ўйдаман....

Халқни уйғоқ қатлами вакилларининг кўзини ўйиш режимининг энг асосий шиори, энг олий мақсади эканлигига шубҳа йўқ.

Малоҳат Эшонқуллова
мустақил журналист, ҳуқуқ фаоли

30 май куни Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов 80 ёшида оламдан ўтди. Адиб Тошкент шаҳридаги ҳукуматга қарашли 1-сонли стационарда ҳаётдан кўз юмган. Бу ҳақда Озодликка маълум қилган таниқли журналист Шароф Убайдуллаевга кўра, шоир анчадан бери тўшакка михланган ҳолда ётган ва сўнгги ярим йилда 3 марта инсультни бошдан кечирган.

Тошкентдан олинган маълумотга кўра, Эркин Воҳидов душанба куни кечки пайт оламдан ўтган.

Ўтган ҳафта Озодлик манбалари Эркин Воҳидовнинг тилдан қолгани ҳақида хабар қилишган эди.

70-йилларда шоирнинг “Ўзбегим” қасидаси миллий мадҳия даражасига кўтарилган, 90-йилларда эса у ўзбекларнинг илк миллий озодлик ҳаракати “Бирлик” етакчиларидан бирига айланганди.

Сўнг мамлакат Парламентининг депутатисифатида Ўзбекистон Олий Мажлисининг Парламентлараро алоқалар кўмитасини бошқарди.

Дастлаб ўз ижоди ва фаолияти билан халқ олқишига сазовор бўлган Э.Воҳидов сўнгги йилларда саройга яқин бўлиб, элдан

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов оламдан ўтди

узоклашгани учун уни ёзғирганлар ҳам кўп бўлди.

Умрининг сўнггида тўшакка михланган ҳолда ётган адибнинг ёнида фақат қизи ва хотини борлиги, уни ҳолидан хабар олгучи, йўқловчи бошқа бирор кимса йўқлиги айтилди.

Шоирни йўқлаб борган тошкентлик журналист ҳам бунга гувоҳ бўлгани ҳақида ёзди:

«Тилдан қолиб кетадиган аҳволда ётган экан. Боровдик, бир кўрсатишдию, чиқиб кетдик. Ҳеч ким бормаган олдиға, ғалати бўлиб кетдик. Хотини ва қизлари нега ҳеч ким келмаяпти деб ҳайрон бўлиб ўтиришибди» деб ёзди тошкентлик журналист 24 май куни.

Эркин Воҳидов 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Воҳидовлар оиласи 1945 йилда Тошкентга кўчиб келгач, бўлғуси шоир пойтахт мактабларидан бирида ўқиган.

1960 йили олийгоҳни тугатган Э. Воҳидов аввал «Ёш гвардия»,

сўнг Ғафур Ғулум нашриётида бош муҳаррир, директор бўлиб ишлаган ва «Ёшлик» журнаliga ҳам раҳбарлик қилган.

Э. Воҳидовнинг илк шеърый тўплами 1961 йилда «Тонг нафаси» номи билан босилган.

Шоирнинг жами ўттиздан зиёд шеърый мажмуалари нашрдан чиққан.

Э. Воҳидов драматургия соҳасида ҳам ижод қилган.

Унинг «Рухлар исёни», «Истамбул фожеаси» каби дostonлари муштариylарга яхши таниш. «Олтин девор» асари эса йиллардан буён сахнадан тушмай келаяпти.

Унга 1987 йили Ўзбекистон халқ шоири, 1999 йили Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган.

Шунингдек, Воҳидов собиқ иттифоқ пайти (1983 йил)да Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, мустақиллик йиллари (1997 йил)да эса «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби бўлган.

Манба: «Озодлик» радиоси



Елена Урлаевани руҳий касалликлар шифохонасида таҳқирлашган

«Альянс» инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена Урлаева сал кам уч ойлик тутқинликдан сўнг 1 июнь куни соат 19.00 ларда кутилмаганда шошилишчи равишда озодликка чиқарилди.

2 июнь куни Елена Михайловна билан учрашиш учун Тошкентдаги Феруза массивига йўл олдим.

Урлаевага нигоҳим тушиши билан уларнинг аянчли аҳволини кўриб кўзимга ёш айланди.

Урлаева хиёл букилган ҳолда оёғини зўрага судраб босар, оғир ҳаракатланарди. Юз-кўзлари шишиб қетган. Бўйни қотиб қолган чамаси ўнг ёхуд чапга ўгрилганида бутун гавдаси билан қайрилиб қарарди. Шу аҳволда Урлаева менга робот ҳаракатини эслатарди.

Мени кўриши билан Урлаеванинг юзига табассум ёйилди. Кувониб кўришишдик. Тошкент шаҳридаги 1- сонли руҳий касалликлар шифохонасида таниқли ҳуқуқ фаолига ноинсоний муносабатда бўлишган, ҳақоратлашган, ҳатто калтаклашган.

Бу ҳақда инсон ҳақлари бўйича қатор Халқаро мукофотлар совриндори Елена Урлаева шундай ҳикоя қилади:

— Руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилишимнинг дастлабки кунларидан менга ниҳоятда кўпол, ноинсоний муносабатда бўлишди. Хўрлашди, таҳқирлашди. «Сен хоинсан!», «Сен айғоқчисан!» дея ҳақоратлашди, камситишди. Руҳий касалликлар

шифохонаси маъмурияти, шифокорлар руҳий касаллар кўли билан мени калтаклашарди. Ҳатто санитаркалар ҳам менга кўл кўтаришди. Шифокорларнинг ўзлари ўзга руҳий касалларнинг менга хужум қилишини, қалтаклашини уюштиришарди. Ўзга беморларнинг менга кўл кўтаришларига изин беришарди, кўриб кўрмасликка олишарди. Аъзойи баданим кўкариб, маматалоқ бўлиб, юзларим, бўйин соҳам тирналиб кетган кезларида мен шифохона маъмуриятига «Мени суд тиббий экспертизасидан ўтказишларингизни талаб қиламан. Мени калтаклаб жароҳатлашган»



дея бир неча бор талаб қилишимга қарамасдан, ҳеч бир натижа бўлмади.

Энг даҳшатлиси, улар менга узлуксиз равишда кучли психотроп дорилар ичиришди, уқоллар қилишди, — дейди суҳбат чоғида «Альянс» етакчиси, — Мен 1-сонли руҳий касалликлар шифохонасидаги бунингдек бедодликлар хусусида юқори ташкилотларга шикоят қилишга мажбурман. Мамлакатимиздаги АҚШ, Германия элчихоналари аралашуви билан менга нисбатан қўлланилаётган хўрлашлар бироз бўлса-да барҳам топди. Элчихона вакилларининг шифохонага ташрифи, айтиш мумкинки, менинг жонимга аро кирди.

Елена Урлаевага кўра ҳуқуқ фаолини шифохона маъмурияти Шанхай бешлиги саммитининг кутилаётган йиғинидан кейингина озод қилиш режасида бўлишган. Бироқ, бу режани мамлакатимизда фаолият юритаётган демократик мамлакат элчихонаходимлари ва дипломатик корпус вакилларининг ташрифи йўққа чиқарган.

— Мен АҚШ ва Германия элчихонаси вакилларидан беҳат миннадорман, — дейди Урлаева.

«Альянс» етакчиси билан суҳбатда бўлган киши Елена Урлаева руҳий касалликлар шифохонасининг кучли психотроп моддаларининг таъсир кучидан ҳали ҳамон кутила олмайётганлигини, қарахт ҳолатда эканлигини сезиши қийин эмас.

Урлаева ниҳоятда хотиржам, бироқ тўхтаб, тўхтаб, секинлик билан (с задержкой) билан гапирарди.

Гарчи «Альянс» етакчиси «Ўза чопиғи бошланиб кетгандир? Мажбурий меҳнат ҳамон давом этмоқдами? Мониторингни бошлашимиз керак» дея инсон ҳуқуқларининг химоясига оид ўз фаолиятини давом эттиришга рағбат кўрсатган бўлишига қарамасдан, Урлаеванинг парваришга, ҳордиқ чиқаришга муҳтож эканлиги унинг ташқи киёфасидан шундоққина кўриниб турарди.

Урлаевани режимнинг «руҳий касалликлар шифохонаси» отлиғ қамоғи ҳам руҳан, ҳам жисмонан синдириб, чил-чил қилиб ташлаганки, энди сочилиб кетган руҳни йиғиштириб, тўплаб олиш учун вақт – ҳафталар, балки ойлар керак бўлади.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
Муствақил журналист

Айтишларига караганда ҳакима Ойдин Солиҳ вафотидан 10 кун аввал рўза тутишни бошлаган...

У рўзадор ҳолда вафот этишни ният қилган экан.

Ва рўзадорликда Ҳаққа қовушмоқ насиб этди унга (Аллоҳга ҳамд бўлсин).

Сўнги онга қадар шуури очик эди... ёнига кирганларга насиҳатлар қиларди... оппоқ либос ичида жуда гўзал бир суратда видолашди.

У «мени оз сув билан ювинтиринг» дея васият қилди.

Ойдин Солиҳга йўлдош бўлган бир неча кишилар уни ҳикоя қиларкан, «унинг сўзлаган ҳар бир сўзига содик қолгани ва айтган сўзларига ҳаётда амал қилганига шохидмиз» дер эдилар.

Бу диёрдан нариги диёрга кўчиб ўтган устозимиз Ойдин Солиҳ бизга гўзал бир меърос сифатида қолдирган “Ҳақиқий тиббиёт” китоби билан кундан кунга кўнгиллардан чуқурроқ жой олмақда. Аллоҳ унга раҳмат қилсин, фирдавс мақомига етиштирсин.

Ойдин Солиҳ:

«Рўзадор ҳолда ўлмақ ҳар кимсага насиб қилавермайди, бу бир неъмат. Доктор рўза тутма деди, йиллардир еяпман дейсан, рўза сенга насиб қилмабди хабаринг йўқ, ғофил. Ох, бир тутсанг, бир тута билсанг, ҳақиқатларнинг фарқи борар эдинг. Рўза инсонни ўлдирмайди, кўркма! Рўзадор ҳолда ўлиш қандай бахт унга.

Сиз ёлғончисиз. Тилинғиз билан гапириб, қалбинғиз билан алдайсиз. Жаннатни истайсиз, ғайрат қилмайсиз. Мен бунинг ҳаром эканлигини биламан дейсиз, аммо воз кечмаяпсиз. Кўпларинғизнинг тутган рўзаларинғиз қабул бўлдимикин, дея шубҳадаман. Зеро Аллоҳни рози қилгувчи рўзалардан узоқсиз. Рўзалари билан еб ичишлари фарқли. Аммо Аллоҳ марҳаматли, бутун аъзоларинғиз билан рўза тутинг фақатгина емак ейиш билан эмас.

Биламан барчанғиз жон қулогинғиз билан эшитаёпсиз, аммо ғафлатинғиз шу қадар каттаки, ичинғиздан бир-икки кишигина буларга амал қилади. Қолганлари аввалгидек яшашга давом этади. Аммо мен бир киши бўлса ҳам унга тушунтиравераман. Туркиянинг деярли барча вилоятларида бўлдим. “Ҳақиқий тиббиёт” китобидаги билгиларни ва ундан ортиғини ҳам тушунтирдим. Ёзу қиш демасдан. Аллоҳнинг ҳузурига ўз вазифамни бажарган ҳолда чиқишни



«ҲАКИМА ОЙДИН СОЛИҲ ШУНДАЙ ДЕГАН ЭДИ...»

истайман. Сизлар «эшитдик, аммо бажармадик», дейсизлар.

Унутманг, ҳар нафасимиз 24 соат давомида энг мукамал камераларда ёзиб олинмоқда, монтаж, ўчириш йўқ, ҳамма нарса қайд этилмоқда.

Мендан рўза ва очлик ҳақида сўрашади. Устоз «доктор ман қилди, мен рўза тута олмайман, рўза тутсам бошим оғрийдим, ошқозоним бузилади, ҳолсиз бўламан». Мен унга шундай дейман, «сен рўза тутгувчилардан бўлганинда эди ёки рўзанинг аҳамиятини англасайдинг, бу ҳолга тушмасдинг».

«Ёшлар ҳафтада камида бир кун рўза тутишлари лозим, ҳар доим. Вужудда қанча кўп захар, захарли оғир метал бўлса, очлик ҳам кишига шунча оғир келади. Хужайралари соғлом бўлганлар еганлари сабаб касал бўладилар. Вужуд ўз таъсирини кўрсатади, бош оғриғи, мигрен, қон босими. Бу касаллик эмас, вужуднинг ўзини ҳимоя қилишидир. Кучли оғриғи бўлган киши оғриқ кесувчи дори қабул қилади, тайёр емаклар ейди, косметика ишлатади ва хакозо. Ташла буларни, нима зарар бераётган бўлса уларни ҳаётингдан чиқар, вассалом.

Мендан, “Шундай касаллигим бор, қандай даволаш мумкин?” дея сўрайдилар. Сен аввал ҳаром нарсаларни ҳаётингдан чиқар. Хужайраларинг зикрга бошласин. Кейин сўра.

Кўплаб инсонлар “чўчкалашган”, қарай олмайман. Аураси ўзгарган, хабарлари йўқ!

Ё ҳалол даврага кириб қутулсан ёки шундай судралиб юраверсан, танлаш сенда.

Сирдан воқиф бўлишни истаганлар меъдасини эҳтиёт қилсин. Пайғамбаримиз (с.а.в) га лойиқ бўлишни истаганлар суннатларига риоя қилсинлар. Оз егин, сувни ўтирган ҳолда ич, рўза тут, кам ухла, аралаш овқатланма, суннатга зид иш қилма, табассум қил, ҳалол доирадан чиқма.

Рамазон дастурхонларинғизга бир назар ташланг. Не не егуликлар билан тўлдирилган. Қайси пайғамбар, расул, наби, саҳобалар, ёки бир муборак шахс бу дастурхонинғизга ўтиради? Турфа турфа овқат, газли ичимликлар, сув, айрон ва бошқа нарсалар. Аллоҳ сизга кўп-кўп энг дея Рамазонни бердими? Нима учун Рамазонни берди сизга?

Ифторлар исрофнинг манбаи, эрталабдан кечга қадар ифторга тайёргарлик. Бунча емакдан сўнгра қандай ибодат қилмоқчисан? Уйқуга, гирдобига тортгучи ғафлат билан. Айнан шайтон истагани шаклда?

Бирор марта сув ва хурмо билан рўза тутдингми?

Пайғамбаримизг (с.а.в)га ёр бўлмоқ учун қорнинга тош боғлашинг керак эмасми?

Ейишни истамаган болани тобоғини бўшатишга мажбурлаш, унинг ошқозони кенгайтириб, емакка ҳирс уйғотади. Бу эса турли хил касалликларни, хулқ бузилишига олиб келади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Аслида эса, оч қолганда берилган емак — болага марҳамат, онага эса савобдир.

Динимизга кўра ҳатто ҳайвонни ҳам ортиқча озиқлантирмак, семиртирмак ва ейишга зўрламоқ макруҳдир. Ҳаром еб шифо топаман деб ўйласангиз адашасиз. Шифо бошқа нарса, «аҳвол яхшиланиши» бошқа нарса. Бир кофирнинг кўли билан ҳам «аҳвол яхшиланиши» мумкин. Шифони ҳалолдан изланг. Шифо Аллоҳдандир ва у ҳаром билан келмайди.

Кўп емак ва ичимликда, косметикада алкоголь ва чўчка маҳсулоти мавжуд. Шунда ҳам шифо топаман деб ўйлайсизми. Аввал тавба қил, сўнгра баданингни покла, кейин шифо иста.

“30 йилдир дорилар ичаман, яҳволим яхшилашмади. 20 йил дори ичдим тузалмадим”, дейдилар. Ташла уларни, ичма!

“Қандай ташлайман, ташласам яшай олмайман”.

Худди ҳеч қачон ўлмайдигандек. Ёки ўлим сабабга боғлиқдай гапирдилар. Қани иймон? “Ўлим вақтидан на бир дақиқа аввал ва на бир дақиқа кеч келади”, оятига бўлган иймон қани? Амр келганда қутулишнинг имкони борми?»

Ойдин Солиҳдан сўрайдилар: «Устоз сиз сунъий матолаб киймайсиз, нима киясиз у ҳолда?»

-Катан ва пахта

-Жуда қиммат, биз ололмаймиз.

Қолаверса оилада кўпчиликмиз.

-Аслида, сизлар кўп кийим оласизлар, шкафларингиз кийимга лиқ тўла. Суннатда нима дейилган, сиз эса исрофгарчиликка йўл қўясиз. Менинг ҳеч қачон олти хил кийимим бўлмади. Янгисини олгунча, аввалгисини ҳадя қилардим. Кийимларимни қўлда, совун билан ювишни афзал кўраман.

-Хўп озиқ-овқат борасида-чи? Қандай идишлардан қўлланасиз?

-Мис, сопол ва шиша идишлардан. Булардан

фойдаланинг. Дастурхонга кўп

идиш қўйманг. Салат ва паловингиз бир идишда бўлсин. Қўл бармоқ учларида қувват бор. Емакнинг қувватини кесманг, шифоси янада ортиқ бўлади, лаззати ҳам.

— Кўйлақларингизнинг бирига ямоқ тиктингизми?

— Пайғамбаримиз (с.а.в) ямоқли кийим кийганлар деб, ейишга нарса бўлмаганда, рўза тутган, ейишга бошқа нарса бўлганда хурмо билан ифторлик қилган афандимизни неча бор эсладик. Узоқдан севиш бундай бўлмайди. Бунга лойиқ бўлиш керак.

Даволаниш учун нима тавсия қилганлар, касаллик вақтида нима қилганлар, касал кишига нима чора кўрганлар, нима деганлар ҳеч ўйлаб кўрдингми?

Хасталик, хасталик, хасталик. Кун тартибингиз шундан иборат.

Сабр қани? Шукр қилмоқ қани? Рози бўлмоқ қани?»...

Зийнат Какликчи (Ziynet Keklikchi) тайёрлади

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди

Атамбоев: Қуролли кучлар ҳудудимизга бўлган ҳар қандай босқинга тайёр туришлари лозим

Би-Би-Си ахборот агентлигининг хабар беришича, Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев мамлакат ҳарбийларини байрам билан табриклаш нутқида, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сув баҳслари минтақа мамлакатлари ўртасидаги урушгача ҳам олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришини эслатган.

«Қирғизистон унча катта бўлмаган, аммо замонавий қурол-яроғ билан жиҳозланган армияга эга», дейилади Президент Атамбоевнинг Қирғизистон Қуролли кучлари кунги муносабати билан эълон қилган табригида.

«Дунёнинг барча мамлакатлари, шу жумладан Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ҳам бугун терроризм ва экстремизм таҳдиди остидадир. Бундан ташқари минтақада миллатлараро, ер, сув ва чегарага туташ муаммолар ўткирдир. Айрим экспертлар «бу масалалар жанжал ва можаро оқибатларига олиб келиши» ҳақида гапиришдан чарчамаяптилар. Бунинг устига, айрим давлатлар раҳбарлари «ер ва сув низолари урушга олиб бориши» ҳақида айтмоқдалар. Бундай таранг вазиятда Қуролли кучлар Ватанин химоя қилишга, ҳар қандай қора кучларга қарши туришга, бизнинг ҳудудимизга бўлган ҳар қандай босқинга тайёр туришлари лозим», дейилади Президент Атамбоев

табригида.

Қирғизистон қуролли кучларига 1992 йил 19 майида асос солинган.

Президент Атамбоевнинг айтишича, терроризм ва экстремизм таҳдиди рўпараси қаршисида Қирғизистонда замонавий ҳарбий инфраструктурани барпо этиш мақсадидаги ҳарбий ислохотлар амалга оширилмоқда.

2012 йил сентябрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов минтақадаги сув устидан баҳслар мамлакатлар ўртасидаги урушгача ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Ислом Каримов: ‘Минтақада уруш чиқиши мумкин’

«Вазият шу даражада кескинлашиб кетиши мумкинки, бу нафақат қарама-қаршилик, балки урушга ҳам олиб келиши эҳтимоли бор» — деган Президент Каримов.

Ўзбекистон президенти бу гапларни Тожикистон қураётган Роғун ва Қирғизистон тиклаётган Қамбарота ГЭСларини назарда тутиб айтган.

«Шунинг учун чегаралар оша ўтадиган дарёлар масаласида биз жаҳон ва халқаро ҳамжамиятга қулоқ солишимиз керак», деб айтган Ўзбекистон раҳбари.

Президент Каримов электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида йирик ГЭСлар ва уларни ишлатадиган улкан сув тўфонлари қуришга

аҳд қилган Қирғизистон ҳамда Тожикистонга мурожаат қилиб, Амударё ва Сирдарё куйи оқимларида жойлашган қўшни мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олишга чақирган.

«Бу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатларнинг розилиги ҳар қандай келишувнинг асосий шarti бўлиши керак» — деб айтган Президент Каримов.

Юқори сув оқимида жойлашган Қирғизистон ва Тожикистоннинг гидроэлектр станцияларини қуриш режаларига Ўзбекистон қаттиқ қаршилик кўрсатиб келади, бу лойиҳалар куйи оқимда жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда сув тақчиллигига сабаб бўлишидан огоҳлантиради.

Президент Атамбоевнинг сўнги баёноти Тошкентда 23-24-июнда мўлжалланган Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити арафасида янграган.

ШОС ташкилотига Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлиб кирганлар.

Шу йил бошида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегарада юзага келган баҳс туфайли Президент Атамбоев Тошкентдаги ШОС саммитига бормаслиги эҳтимолидан ҳам огоҳлантирган эди.

УХХ хабарлар бўлими



Ўзбекистон Қаҳрамони дафн митингида жаноза ҳам ўқилди

Одамлар жаноза ўқиш учун келишди. Дилбар шеърлари билан қалблардан жой олган шоирнинг жанозасини ўқиш учун келишди.

Эркин Воҳидов хонадони гавжум. У ерда мамлакатнинг таниқли барча шоиру шуаюроларини учратиш мумкин эди. Шоирнинг маҳалласида милиция, МХХ ходимлари кўзга ташланади. Шоир хонадонига яқинроқ жойда қора ва ҳайбатли машина олдида Ўзбекистоннинг яна битта қаҳрамони Абдулла Орипов хириглаб кимгадир фалсафа сўқади. Гоҳида гапдан тўхтаб келаётганларга қарайди, берилган саломларга алик олмайди ёки эшитмайди. Унинг чехрасида на қайғу, на ғам бор. Балки у ўзининг дафн маросими дабдабали бўлишини, одамлар кўпроқ келишини орзу қилаётгандир – буёғи Оллоҳга аён.

Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, қўйи қайтган (ҳозир истеъфода) Нурбой Абдулҳаким ва бошқалар у ёқдан бу ёққа ўтишади.

Муфтий Усмон Алимов ва Тошкент шаҳри бош имом Анвар Турсуновлар пешин намози ўқигани маҳалла жомесига юришди. Жоме масжиди ҳовлисида намоз ўқийдиган шоирлардан иккиси кўринади – Мирзо Кенжабек. У сокол қўйиб олган. Кастим-шимда. Ёнида эса Алишер Назар. Келганлар ичида унинг кўзларида чинакам бир андуҳни кўрса бўлади. Бошқалар учун эса бу ҳол бошқа йиғинлардек фарқсиздек...

Мирзо Кенжабек ўзини валий кўрсатган киши каби: “Масжидга

этикофни ниёт қилиб кирайлик... Мени чакиришмади”, – дейди.

Пешин намози ўқилгач, одамлар шоирнинг маҳалласига жам бўлишди. Кўпчилик муфтий, кўпчилик Анвар қорининг сўзга чиқишини кутади. Аммо Анвар қори Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Алига микрофонни берди. Муҳаммад Али эса буюк шоирнинг дафн митингини очик деб эълон қилди. Унинг бу гапидан аҳли муслим ҳайрон. Одамлар бу ерга митингга эмас, жанозага келган эди-ку!

Сўз Хайридин Султонга берилди. У овозини маъюс қилиб марҳум шоирни кўкка кўтариб мақтади. Навбатда турган Иброҳим Гафуров ҳам оташин нутқ ирод қилди. Маҳалла оқсоқоли эса Эркин ака келса, мажлисларда зал тўлар деди.

Ярим соатга яқин давом этган ва куннинг айни қайноғида бўлган бу митинг йиғилганларга малол келди. Ҳамма жанозани кутарди.



Муфтий ҳазратлари микрофонни олди ва Оллоҳга ҳамд айтишни унутиб ҳаммага таскин бергани шошилди. Ғарибликда ўлган одам шаҳид бўлишини таъкидлаб, шоирни шаҳид бўлганига ишора берди. Чунки Эркин Воҳидов умрининг сўнгини жуда каттик касал бўлиб ғарибликда ўтказди.

Жанозадан сўнг одамлар йўлак ҳосил қилдилар. Йўлак бўйлаб тобут кўлма-кўл олдга узатилди. Келганларнинг ҳаммаси тобутга кўл тегиза олди. Маҳалла бошида тўхтаб турган машинага қадар тобут олиб чиқилди.

Шоирнинг ўғиллари, неваралари кўзларида ёш...

Бир қараганда марҳумлар ҳайкаллари билан тўлган музейни эслатувчи Чигатой қабристонини ҳам одамга тўлди. Тобут қабристон дарвозасидан то қабрга қадар кўлма-кўл келди...

Кавланган лаҳадга шоирнинг жонсиз танаси олиб тушилди. Ўғиллар ва неваралар ошқора йиғлашди.

Бир неча дақиқада одамлар алмашиб-алмашиб шоир қабрини тупроққа тўлатдилар ва саксон йил умр кечирган Эркин Воҳидов қоронғу қабрда бир ўзи – савол-жавоб қилувчи фаришталар билан ёлғиз қолди. Энди унинг савол-жавобини шеърлари, унвонлари осон қила оладими? Бу Оллоҳга аён. Шу нарса аниқки, қабр бошида турган ҳаммининг юраги ўлим ҳайбатини ҳис қилган эди.

Қуръон ўқилди. Дуо қилинди. Одамлар тарқалди. Бироқ шоирнинг ўғиллари, навқирон қоматли, кўркам юзли неваралари кўзёшлари юзларини ювганча падари бузрукворлари қабридан кетолмай анча вақтга қадар ўтириб қолишди...

Оталарига бўлган меҳр ёки айрилиққа ҳамон ишоналмаслик туйғусими, ажалнинг ҳайбатими, қабрнинг дабдабалардан холи бўлган салобатими – хуллас, нимадир уларни бу ерда ушлаб қолди...

Оллоҳ Эркин Воҳидовни раҳматига олсин. Унинг гуноҳларини кечирсин. Иймони ўзига ҳамроҳ бўлсин. Ёзган китоблари унинг учун садакаи жория сифатида савоблар етиб бориши учун сабаб бўлсин.

Унинг ўлими бошқаларнинг қалб кўзлари очилишига ишора бўлсин.

**ЎХХ ахборот бўлимининг
Тошкентдаги муҳбири**

Рамазон ойида Аё София хушxabари

Аё София (Авлиё София) ибодатхонаси Рамазон ойида тарихий онларга сахна бўлади. Иншоатда 30 кун давомида Куръони Карим тиловат қилинади.

TRT Diyanet TV, ўн бир оининг султони Рамазон ойида, суратга олиш жараёни Ислом олами учун муҳим бир ер ҳисобланган Аё София ибодатхонасида амалга оширилиб эфирга узатиладиган, “Баракат вақти Аё София” (“Bereket vakti Ayasofya”) номли сахарлик дастури таёрланди.

30 кун давомида Куръон тиловат қилинади

TRT Diyanet TV Рамазон ойи давомида соат 02:00 да экранларга чиқадиган, “Баракат вақти Аё София” номли сахарлик дастурида илк маротаба ташкиллаштирарок, унутилмас бир тадбирга муаллифлик қилади. Ислом дунёсида муҳим ўринга эга бўлган ва дунёнинг 8 мўжизасидан бири ҳисобланган Аё Софиядан 30 кун давомида TRT Diyanet TV тамошабинлари эътиборига Куръони Карим тиловати дастури ҳавола қилинади.

Рамазон ойи давомида Ислом қардошлиги, ҳақ ва адолат тушунчаси, бирлик шуури, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка доир самимий суҳбатлар амалга ошириладиган ушбу дастурни Али Бектош олиб боради. Профессор доктор Наждат Чайил ва тарихчи Турсун Гурлак эса ўз суҳбатлари билан дастурни янада бойитишади.

482 йил масжид сифатида қўлланилди

Қурилиши 532 йилнинг 23 феврал куни бошланиб, 5 йилу 10 ойдек қисқа муддатда тамомланиб катта маросим билан 537 йилнинг 27 декабрида ибодат учун очилган ва 916 йил черков сифатида хизмат қилган иншоат, 1453 йилда Фотиҳ Султон Маҳмат томонидан Истанбулнинг фатҳ қилиниши билан баробар масжид сифатида ўзгартирилиб 482 йил шу сифтда қўлланилган. Аё София ҳозирда музей сифатида ишлатилияпти.



Зарнигор АЛИМБЕКОВА: Ўзбекистонни очиқ осмон остидаги зиндонга ўхшатишлари бежиз эмасга ўхшайди!

Мен, Алимбекова Зарнигор Авазовна 2016 йилнинг 15 март куни доимий прописка манзилим – Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБга хорижга чиқиш рухсатномаси олиш мақсадида ҳужжатларимни топширган эдим.

3 июнь куни, яъни орадан роппароса 78 кун ўтгач ХЧК ва ФРБ ходимлари менга паспортимни қайтариб беришди. Шундагина меннинг паспортимга хорижга чиқиш рухсатномаси –стикер урилмаганлиги маълум бўлди.

“Нима сабабдан менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим чеклаб қўйилди?” деган савол билан Самарқанд вилоят ОВИБ бошлиғи ҳузурига кирганимда, улардан “Бунинг сабабини биз билмадик. Тепа, Тошкент сизга хорижга чиқиш рухсатномаси берилишини рад этди” деган жавобни эшитдим.

Мен умрим давомида ноқонуний ишга, ҳеч бир жиноятга қўл урмаганман.

Нима учун менинг Конституция билан белгилаб қўйилган чет элга чиқиш ҳуқуқим ИИБ идоралари томонидан чеклаб қўйилганлигининг сабабини англолмай ҳалакман.

Нега менинг хорижга чиқишим тақиқланди?

Нега менинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларим оёқ ости қилинмоқда?

Бу саволга Ўзбекистон раҳбариятига минг бир марта мурожаат этишим мумкин.

Бироқ диктатурага асосланган бу тузимда ўзимни қийнаётган саволларга жавоб олишим мушкул.

Ден демократик давлат намоёндаларига мурожаат қилмоқчиман:

Жаноблар!

Ҳеч бир жиноятга қўл урмай туриб мен 22 ёшимда очиқ осмон остидаги зиндонга – Ўзбекистонга зинжонбанд этилдим!

Мени асирага айлантиришди, ҳуқуқларимни чеклаб, банди этишди!

Бу мамлакатда айнан амалдорлар томонидан менинг Конституция билан қўриқланадиган жамики ҳуқуқларим – истаган жойимда яшаш – ўз турмуш ўртоғимнинг уйига прописка қилиш, ишлаш, чет элга чиқиш каби ҳуқуқларим қўпол равишда бузилмоқда.

Мен демократик давлатлардан, инсон ҳуқуқларини ҳимояқилувчи Халқаро ташкилотлардан менинг паймол бўлаётган Конституциявий ҳуқуқларимнинг тикланишида кўмак беришларини илтимос қиламан.

Зарнигор Алимбекова

Муслималар ҳижобда ўзларини «ҳимояланган», «хавфсиз» ва «муҳтарам» деб ҳис қилишларини айтар эдилар (ҳижоб – Ислом динида аёлларга фарз қилинган камтарона либос бўлиб, уларнинг гўзаллигини, баданларини ва қадди қоматларини бегона кўзлардан тўсиб туради). Энди эса бунинг илмий тарзда исботланган ҳикмати борлиги аниқланди.

Психолог Сюзан Фиске ҳамда Принстон университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари соғлом эркаклар бош миясини магнит-резонансли томография воситасида текшириб кўришди. Текширилаётган эркакларга ярим яланғоч ҳамда тўлиқ кийинган эркак ва аёлларнинг бир қатор фотосуратлари кўрсатиб турилди. Баданлари очик аёлларни кўрган эркакларда аниқ ва очик-ойдин кўзғалиш кузатилди. Суратдаги аёлларнинг бадани қанчалик очик бўлса, эркаклар бош мия пўстлогининг олд мотор ҳудуди ҳамда ўрта чакка қисмининг орқа томонида (премоторная кора головного мозга и задняя часть средней височной борозды) кўзғалиш шунча кучли бўлди. Маълумки, миянинг бу қисмлари асбоб-ускуналар билан ишлар, қўлларнинг ҳаракати ва умуман бирор амалга ундаш каби ҳатти-ҳаракатларни бошқаради (Сикара, Дель-Амор).

«Гўё эркаклар шу заҳоти ўзларида бу аёлларга нисбатан уйғонган истак-хоҳиш ҳақида ўйлай бошладилар», — деди Фиске хоним 12-16 февраль кунлари Чикагода бўлиб ўтган Америка фанни ривожлантириш уюшмасининг ҳар йили бўлиб ўтадиган учрашувида. «Улар бу фотосуратларга одамлар жонли жисмларга қарагандек қарадилар», — дейди у (Николсон).

Эркакларнинг ўзлаштириш қобилиятлари синаб кўрилганда, улар чўмилиш кийимларини кийган аёлларнинг юзлари кўрсатилмаган суратларини бошқаларга кўра яхшироқ эслаб қолганлари маълум бўлди, ваҳоланки улар бу суратларга бор-йўғи бир лаҳза кўз ташлаган эдилар, холос (Ландау).

Фиске хоним ўз гуруҳи билан эркакларнинг аёлларга нисбатан адоват кайфиятини ҳам синаб кўрди. Маълум бўйишича, тажовузкорроқ эркаклар чўмилиш кийимидаги аёлларнинг суратларини томоша қилаётганда уларнинг миясидаги ўз фикрини ва бошқаларнинг ҳиссиётларини ўйлаб кўришни



Фан ҳижобнинг фойдали эканлигини тасдиқлади

(оддий қилиб айтганда, ўйлаб иш қилишни) бошқарувчи ҳудудларда фаолият энг кам бўлган.

«Бу пайтда эркаклар аёлларнинг ақли ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас эканлар», — дейди Фиске хоним (Сикара, Дель-Амор, Ландау).

Хуллас, эркаклар ўзларининг жозибасини бўрттириб кўрсатувчи аёлларни инсонийликдан узокроқ деб қабул қилар эканлар.

Фискенинг «IslamOnline»га тақдим қилган маърузасига кўра, эркакларнинг атрофдаги воқеликни фаҳмлаб олиш тизими тормозланиб қолса, улар шахвоний ҳисларни кўзгатувчи аёлларнинг инсонийлик даражасини паст деб қабул қилар эканлар (Сикара).

Фиске хонимнинг айтишича, инсонда бошқа бир киши ҳақида бундайёмон таассурот ҳосил бўлиши лаборатория тадқиқотларида кам учрайдиган ҳолдир. Бунга ўхшаш ҳолат фақат бир марта — яқинда «National Geographic»да чоп этилган мақолада қайд этилган эди. Унга кўра, тажрибада иштирок этган кишиларга дайдилар ва наркоманларнинг фотосуратлари кўрсатилганда уларда нафрат ва ижирғаниш ҳислари уйғонганлиги кузатилган (Дель-Амор).

Эркаклар ярим яланғоч аёлларнинг суратини кўрганда уйсиз дайдиларни кўргандагидек ҳолатга тушадилар. Аксинча, тадқиқотлар бу эркакларнинг фотосуратдаги чўмилиш кийими кийган аёлларни «итариб юборгиси», «қўлига олгиси», «тутиб олгиси» келганлигини қайд этди (Дель-Амор, Ландау).

Ушбу тадқиқотда ишироқ

этган Принстон университети битирувчиси Мина Сикаранинг фикрича, эркаклар ўз аёллари ёки опа-сингилларига очик либос кийган аёлларга қарагандек қарамайдилар.

Бунинг устига, эркаклар тўлиқ ўранган аёлларнинг суратларини кўрганда ўз фикрларини асосан учинчи шахсда — «у итариб юборди», «қўлида кўтариб турибди», «тутиб олди» шаклида билдирганлар. Бу эса, Фиске хонимнинг фикрича, эркаклар ўранган аёлларни мустақил, хур аёллар деб қабул қилишларини, уларга нисбатан бирор ҳатти-ҳаракат содир этиш фикридан узок бўлишларини кўрсатади (Эшльман, Ландау).

Аёлнинг либоси қанчалик тўлиқ бўлса, унга ҳурмат шунчалик кўп бўлади

Фиске хонимнинг айтишича, тадқиқот натижалари аёллар учун, айниқса эркак-аёллар аралаш бўладиган шароитларда ишлайдиган ғоятда муҳим хулосаларга олиб келади. Ўз аёллик жозибасини бўрттириб кўрсатиб юрадиган аёлларга кўп назар солиш эркакларнинг ўша аёлларга бўлган муносабатига ва бунинг оқибатларига бевосита таъсир кўрсатади (Ландау, Сэмпл).

Лоуренс университети профессори Питер Глик олиб борган тадқиқотда эркакларнинг аёлларга салбий муносабатда бўлиш сабаблари ўрганилди. Маълум бўлишича, ишхонада очик-сочик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кийиниб юрадиган аёлларнинг савияси ва ақл-заковати, айниқса улар раҳбар лавозимда бўлсалар, эркакларнинг наздида пастроқ туюлар экан. «DiversityJobs» маълумотларига кўра, профессор Гликнинг тадқиқотларида «юқори мансаб, раҳбар лавозимда ишловчи аёллар кўл остидагиларнинг ҳурматига сазовор бўлишлари учун камтарона ва анъанавий кийинишлари керак»лиги қайд этилган.

Бир қатор тадқиқотлар ҳам порнографияни томоша қилиш ва аёлларга нисбатан тажовуз ҳолатлари, шу жумладан зўрлашлар ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. Босния ва Ироқда бўлиб ўтган урушларда мисли кўрилмаган ғайриинсоний жиноятларини содир қилган солдатларнинг аксарияти порнографиянинг ашаддий ишқибозлари эканлиги, ҳатто бундай суратларни қотилликлардан кейин «ўзига келиш» учун томоша қилишлари маълум бўлган (Чу, Риджали). Фиске хоним ўз тадқиқот натижалари бошқа олимларнинг хулосалари билан солиштириб кўриб, юқоридаги мазмундаги теледастурларни томоша қилиш ҳам инсоннинг зўравонликка бўлган эмоционал сезгисини сусайтириб юборишини қайд этди.

Ғурур ва ишонч

Камтарона ва анъанавий бичимдаги либосларнинг афзаллиги очик-ойдин бўлишига қарамай, ОАВда ҳижоб ҳақидаги фикрлар муслималарни камситилган, ҳақсизлардек тасвирлайди. Бироқ, Карен Дэниэльсон хоним ҳижоб аёл кишида ўзига ишонч ва ғурур ҳиссини мустаҳкамлайди.

Дэниэльсон хоним асли америкалик бўлиб, Иорданияда яшар эканлар. Ҳижобни илк бор йигирма йил аввал, 1983 йилда муслима бўлганларидан кейин кийган эканлар. «Кўчада ҳижобда юраман. Ҳижобдалигимда менинг эркаклар учун гўзал ёки хунуклигимни ҳеч ким кўра олмайди, — дейдилар Карен «IslamOnline» муҳбирига. — Мени ўзимнинг ахлоқим ва заковатимга қарабгина баҳолашлари мумкин. Бу имкониятни менга ҳижобим беради. Чунки мен кўзга ташланмайдиган, эркакларнинг эътиборини тортмайдиган либосда камтарона қиёфада бўламан».

«Мен ҳижобда ўзлимни сақлаб қоламан, ўз фикрим, ўз қарашларимга эга бўламан, — суҳбатга қўшилади Сумайя Финнигэн. — Мен ҳамма нима деса шуни гапирмайман, ҳамма нима кийса шуни киймайман, мен қандай либос кийишни ўз эътиқодимдан келиб чиқиб танлайман. Бу эса мен учун мутлақо ҳурриятдир».

1979 йилда Ислонни қабул қилган америкалик муслима Билқис Муҳаммаднинг фикри ҳам худди шундай. Унинг айтишича, ҳижоб «аёлнинг ўзини ҳам, унинг атрофдагиларни ҳам камтарликка, ҳаёли бўлишга ундаб туради». Бугунги кунда Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган Билқис хоним қадди-қоматини ҳам, юзини ҳам бегона кўзлардан тўсиб юради ва «бу нарса атрофдагиларни, айниқса бегона эркакларни кўзи ва тилини тийиб юришга мажбур қилади, менга бекорчи гап айтишга йўл бермайди» дейди.

Ҳижоб ва хавфсизлик

Иорданияда яшовчи яна бир америкалик аёл — Кари Абуудей ўн икки ёшдан буён Ислонда экан. У ҳам «IslamOnline»га интервью беришга рози бўлди. «Мен ҳижобда юрсам, камтарона кийинсам, ўзимни мутлақо хавфсиз сезаман», — дейди у. «Бу мени эркаклардан тўсувчи, уларнинг назарларидан, менга ва менинг номусимга ҳурматсизлик қилишларидан ҳимоя қилувчи пардамдир. Бу парда мени тасодифан кўзи тушиб қолган бегона эркакнинг инстинктив (беихтиёр) синовчан назар ташлашидан, уларда менга нисбатан шахвоний майл уйғонишидан, ҳатто очик-сочик либос кийганларни кўрганда уларнинг фикридан ўтадиган ҳаёллардан ҳам ҳимоя қила олади».

Кари хоним сўзида давом этиб, шундай дейди: «Бу сенга шилқимлик қиладиган эркаклардан, уларнинг ёнингга келиб олишидан, гап отиб, сенга тикилиб туришидан ва ҳатто кўл теккизишидан ҳимоя қилувчи мустаҳкам зирҳли қалқондир».

Асли Лондонлик Финнигэн хоним ҳижоб кийишни «Парвардигоримга итоат рамзи, аёлни жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ҳимоя қилиш» деб ҳисоблайди ва ҳозирги ҳолатини 1999 йилда Ислонга кириб, ҳижоб кийгунгача бўлган давр билан қиёслади. «Баъзан, кимдир ортимдан эргашиб келмаяптимики, деб ҳатто ўз уйимга етиб олгунча кўрққанимдан сал ёпиқроқ кийим

кийиб олсам бўлар экан, деб афсусланган пайтларим бўларди. Ҳар куни кечқурун уйга қайтар эканман, менга кимдир ташланиб қолмасмикан, номусимга тажовуз қилиб қолмасмикан, деб ортимга кўрққ-писа қараб келарди», — деб эслайди Финнигэн хоним. Тўғри, аёлнинг ҳулқи ёки кийимидан қатъи назар унга тажовуз қиладиганлар ҳам топилади, — тан олади Билқис хоним. Бироқ, унинг фикрича, муслиманинг ҳижоби «кўнгилсиз жисмоний тажовузлардан қўшимча ҳимоядир».

«Ҳижобнинг асосий мақсадларидан бири — аёлни маиший бузуқ кишиларнинг назаридан, шилқимлик қилиб, гап отадиганлардан ҳимоя қилишдир», — дейди ар-Риёддаги ал-Имом университети профессори шайх Риёд ал-Мусаймирий.

«IslamToday» нашрига кўра, баъзи ғарб шарҳловчилари аёлнинг рўмол ўраши унинг ижтимоий мавқеи пастроқлигини тан олишидир, деб ҳисоблайдилар. «Бундан ҳам қаттиқ адашиш мумкинми? Ахир Қуръони каримда бундай либосдан мақсад аёлнинг атрофдагилар томонидан ҳурмат қилинишидадир, деб очик-ойдин айтилган-ку. Ҳижоб аёлнинг номидан атрофдагиларга «Мени инсон сифатида ҳурмат қил, шахватни қондириш омили сифатида эмас» деб туради, деб ёзади «IslamToday».

Билқис хоним ҳижоб кийишда бир лаҳза ҳам иккиланмаганларини айтадилар. «Менда хавфсизлик муаммоси бўлмаган. Мен бу ҳақда ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаганман», — дейди у. «Бу Аллоҳнинг фарзларини адо қилиш масаласи эди. Мен Ислонни қабул қилиб, унинг ярмигагина риоя қилиб, бахтли бўла олмас эдим ахир. Мен ё муслима бўлиб, шарият аҳкомларига энг тўлиқ тарзда амал қилишим ёки аввалги ҳолимда қолишим керак эди».

«Менинг бу либосим менга ҳам, атрофдагиларга ҳам менинг кимлигимни, ахлоқимни, динимни эслатиб туради, — суҳбатга яна қўшилади Дэниэльсон хоним. — Бу энг олий мақом хавфсизликдир. Бу тафаккур ва соғлом қалбдир. Аллоҳ Таолога ҳамду санолар бўлсин!»

Амель С. Абдуллоҳ — адиба, публицист, таржимон. Саломатлик, фан, технологиялар, маданият, тарих, тилшунослик ва маориф мавзуларидаги 200 ортиқ мақола муаллифи

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, бош қароргоҳи Австралияда жойлашган Walk Free Foundation халқаро ташкилотининг «Глобал қуллик индекси»» (Global Slavery Index) деб номланган ҳисоботида Ўзбекистон 167 давлат орасида бешинчи ўринни эгаллаган. Мазкур ташкилотнинг 2013 йилда эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистон 47-ўринда эди.

Ўзбекистон қуллик индекси ҳисоботида 5-ўринда

“Глобал қуллик индекси”(Global Slavery Index) ҳисоботида Ўзбекистон замонавий қулликка мажбурланган одамлар сони бўйича 167 давлат орасидан 5-ўринга муносиб топилди. Аҳоли жон бошига бўлиштирилганида эса Ўзбекистон замонавий қуллар сони бўйича Шимолий Кореядан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган.

Walk Free Foundation халқаро ташкилотининг 31 май куни эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистондаги вазиятга мана шундай баҳо берилган. Ҳисоботда айтилишича, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 4 фоизи, яъни 1 миллион 230 минг фуқаро қуллик шароитида яшашга мажбур бўлмоқда.

Тадқиқот муаллифларига кўра, “замонавий қуллик”, дейилганида мажбурий меҳнатга жалб қилиш, одам садоси, жинсий хизмат кўрсатишга мажбурлаш, мажбурий никоҳ назарда тутилади.

Walk Free Foundation раиси Эндрю Форрест Озод Европа-Озодлик радиосига берган суҳбатида Ўзбекистон ҳукумати пахтазорларда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш тизимини жорий этгани учун ҳам индекснинг шармандали бешлигига киритилганини айтди:

— Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ҳукумат томонидан рағбатлантирилади, бу айниқса пахта саноатида яққол сезилади. Ҳукумат касалхоналарда, мактабларда ва бошқа соҳаларда ишловчи одамларни пахта етиштиришга ёки пахта теришга сафарбар қилади. Бунинг учун у одамларга компенсация тўламайди,

пахтага чиқишдан бош тортганлар эса жазоланади. Бу замонавий қуллик сифатида тавсифланади, -деди Эндрю Форрест.

Ўзбекистон ҳукумати мажбурий меҳнат расмий сиёсат эканини инкор қилиб келади. Тошкент расмийларининг билдиришича, фуқаролар ихтиёрий равишда хашар йўли билан пахта етиштириш ва теришга чиқади.

Бу билан улар гўёки ўз фуқаролик масъулиятларини бажаришга ҳаракат қиладилар.

“Глобал қуллик индекси” ҳисоботида Ўзбекистон ҳукумати халқаро ташкилотлар босими остида “вазиятни яхшилашга ҳаракат қилаётгани” ҳам эсга олинган. “Бироқ шунга қарамай 2015 йилда пахта теримига 1 миллиондан ортиқ одам мажбуран жалб қилинган”, дейилади ҳисоботда.

— Ўзбекистон марказий ҳукумати пахта саноатидан тушган фойдани ўзи истаганидай бўлиштиради. Бу фойдани келтирган одамлар, яъни пахта етиштирганлар ва уни терганлар бу фойдани бўлиштиришда ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмаслар, — деди Эндрю Форрест.

2013 йилдаги “Глобал қуллик индекси”да Ўзбекистон глобал миқёсда қуллик кучайган давлат деб топилган ва 47-поғонага қўйилган эди. Ўтган уч йил давомида Ўзбекистон бу индексда 42 поғона юқорига кўтарилган.

Ҳисоботда Ўзбекистондан олдинги тўрт ўрин Ҳиндистон, Хитой, Покистон ва Бангладешга берилган. Қиёслаш учун айтадиган бўлсак, индексда Россия 16-, Тожикистон 19-, Қозоғистон ва Қирғизистон 25-, Туркменистон 37-ўринларга қўйилган.

Халқаро ташкилот бугунги кунда бутун дунёда 45 миллион одам қуллик шароитида яшаётганини эълон қилган. Эндрю Форрестнинг маълум қилишича, 2014 йилдан бери дунёда “замонавий қуллар” сони 10 миллион одамга кўпайган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ҳажжожни чўчитган ҳайбат

Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироққа ҳоким бўлгач, ҳаддидан ошди, адолатсизликка йўл кўйди. Кўфа билан Басра орасидаги Восит шаҳрида ўзига мухташам уй қурдирди. Еб-ичиб, байрам қилиб, кейин ҳақиқа дуо этишлари учун одамларни чорлади. Ҳасан Басрий жамоат жам бўлган қулай фурсатдан фойдаланиб, йиғилганларга панд-насихат қилиш, Аллоҳни эслатиш, дунё зеб-зийнатларига ҳирс қўйишдан қайтариш ниятида йўлга чиқди. Қурилган бинони кўриб, ҳашаматидан ажабланди. Одамлар эса қасрни томоша қилишарди. Ҳасан Басрий оломонга қараб гап бошлади:

— Биз золимлар золими нима қурганини кўрдик, албатта. Фиръавн бундан ҳам катта ва баланд бино қурганини яхши биламиз. Бироқ Аллоҳ таоло Фиръавнни ҳалок этди, биносини ҳам қулатди...

Шу зайлда сўзлайверди. Ўша ерда ҳозир бўлганлардан бири золим ҳокимнинг ҳайбатидан кўркиб:

— Кифоя қилар энди, эй Абу Саид, кифоя қилар? — деди.

Ҳасан Басрий айтди:

— Аллоҳ таоло илм аҳлига билганларини яширмай, одамларга очик баён этиш масъулиятини юклаган!

Ғазабланган Ҳажжож эртасига маслаҳатгўйларига захрини сочди:

— Сизларга ўлим бўлсин! Басралик бир қул чиқиб, бизга қарата хоҳлаган гапини айтса-ю, сизлардан бирортангиз унга рад жавобини бера олмаса! Аллоҳга қасам, сизларга унинг қонини ичираман, эй кўрқоқлар жамоаси!

Шундан сўнг қилич ва кунда ҳозирлашни буюрди. Анжомлар тайёрланди. Жаллодлар чақирилди. Айбдорни олиб келиш учун миршаблар жўнатилди. Бирпасдан сўнг Ҳасан Басрий кириб келди. У қилич, кунда ва жаллодни кўриб лабларини кимирлатиб қўйди. Ҳажжожга мўминлар улуғи, Аллоҳ йўлига даъват қилувчиларнинг энг салобатлиси рўбарў келган эди. Ҳасан Басрийни бундай ҳайбатли ҳолда кўрган золим шошиб қолди ва:

— Тўрга ўтинг, эй Абу Саид, мана бу ерга... — дея дудукланди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Одамлар бу манзарани ҳайратланиб томоша қилишарди. Чунки Ҳажжож Ҳасан Басрийни ўз ўрнига ўтқазиб қўйган эди.

Ҳасан Басрий жойлашиб олгач, Ҳажжож ундан баъзи ишлар хусусида масала сўради. Олим шошилмай, лўнда жавоб-лар қайтарди.

“Сиз олимлар улуғсиз, эй Абу Саид”, деди Ҳажжож барча масалаларга қаноатланарли жавоб олгач. Сўнг ораларидаги зиддиятни ислоҳ этиш ниятида унинг соқолига мушк суртди ва кузатиб қўйди. Ҳасан Басрий изидан эшикбон эргашди ва сўради:

– Эй Абу Саид, билишимча, ҳоким сизни бошқа ниятда чақирганди. Келганингизда

лабларингиз кимираганини кўрдим. Нима деганингиз?

Ҳасан айтди:

– Эй неъмат ато этгувчи ва кулфатда паноҳ бергувчи Эгам! Оловни Иброҳимга совуқ қилиб, уни саломат қолдирганингдек, мени ҳам Ҳажжож азобидан асраб, саломат қилгин, дея дуо этган эдим.

“Такво зийнатлаган имон”дан
Манба: *Facebook.com*

Жўғўрку Кенгаш 1 июнда Ички ишлар вазири лавозимига Қашқар Жунушалиев номзодини қўллаб қувватлаган.

Икки кун аввал собиқ вазир Мелис Турғанбаев кутилмаганда истъефо берганидан кейин, унинг ўрнига президент Алмазбек Атамбаев Жунушалиевни таклиф қилган.

Жамоатчиликка унчалик таниш бўлмаган Жунушалиев бунгача Бишкек шаҳар ички ишлар бошқармасига раҳбарлик қилган.

Ички ишлар вазири лавозимига Қашқар Жунушалиевни президент Алмазбек Атамбаев буйруғи асосида таклиф этиб, ўша куннинг ўзидаёқ уни коллективга бош вазир Сўўрўнбай Жээнбеков таништирганидан кейин, уни бу лавозимга тайинланиши сир эмас эди. Шу сабабдан Жўғўрку Кенгашда Жунушалиев номзоди кўриб чиқиляётганда, унга қалтис саволлар берилмасдан, депутатларнинг барчаси қўллаб қувватлаган.

“Ота Макон” фракцияси Жунушалиев номзодини муҳокама қилаётганда, партия раҳбари Омурбек Текебаев номзодни тезкор изланиш, ҳамда тергов бўйича тажрибаси деярлик йўқлигини, юридик олий маълумотни кейин олганини айтган.

“1984-86 йиллари Бишкек шаҳар милициясининг махсус мактабини тамомлаган экансиз. Шундан 16 йил ўтганидан кейин олий ўқув юртида тахсил олган деб турибди. Университетни сиртдан битирган экансиз. Худудий терговчи бўлиб ишлаб, кўплаган туманлардаги



Қирғизистон Ички Ишлар Вазири алмашди

терговчилар ишларини назорат қилиб, вазирликка келганда ҳам жамоат ҳавфсизлик бўйича бошқарма раҳбари бўлиб ишлабсиз. Вазир ўринбосари бўлганда ҳам худудий терговчиларни назорат қилгансиз. Муҳим тезкор изланиш, тергов иши деган бор” – дейди депутат Омурбек Текебаев.

Қашқар Жунушалиев депутатга жавобан, ўрин босарлари билан биргаликда иш олиб боришликни, наъмунали вазир бўлишликка ваъда берган.

“Касбий фикри юқори бўлган, барча нарсани тушуна билган, ўз бошидан кечирган одам раҳбар бўлиши керак. Раҳбарнинг тўрт ўрин босари бор. Ўшалар ишларини жамлаб, уларни назорат қилиб ишлаган раҳбаргина наъмунали раҳбар бўлиб ҳисобланади” – дея тушунтирган янги вазир Қашқар Жунушалиев.

2014 йилдан бери Қирғизистон Ички ишлар вазирлигини бошқариб келган, собиқ раҳбар генерал-майор Мелис Турғанбаев истъефога ўз ихтиёри билан чиққанини, унга ҳеч қандай сиёсатнинг алоқаси йўқлигини айтган.

“Ўзим ариза ёзиб, истъефога чиқдим. Дам олмоқчиман. Мен лавозимимда умр бўйи турмайманда. Ўрнимга келган янги вазир ишларни давом эттираверади. Ҳозирча ҳеч қандай режам йўқ. Дам оламан, ухлайман. 2010 йилдан бери касбий таътилга чиқмаганман. Олти йил дам олмасдан ишладим. Оиламга эътибор қаратаман” – дея изоҳлаган эндиликда собиқ раҳбар.

Янги ички ишлар вазири Қашқар Жунушалиев собиқ президент Қурмонбек Бакиев даврида Иссиқ-Кўл, Чуй ва Боткен вилоят ички ишлар бошқармаси, ҳамда Бишкек шаҳар милициясида жамоат ҳавфсизлигига маъсул раҳбар муовини лавозимларида ишлаган. Ундан кейин Ички ишлар вазирлигида жамоат ҳавфсизлик бошқармасига раҳбарлик қилган.

2010 йили ҳокимият алмашганидан кейин ички ишлар вазири муовини бўлиб тайинланган. Жунушалиев ўша пайтдаги муовкат ҳукумат аъзоси Алмазбек Атамбаевнинг ҳамшаҳари эканлиги айтилиб келган.

ЎХХ ахборот бўлими



Менга нега чиқиш визаси берилмаганлигини асослаб беринг!

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. А. ҚАРИМОВга
Нусхаси: Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлис
Сенатининг раиси
Нигматулла ЙЎЛДОШЕВга
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВга
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири
Адҳам АҲМАДБОЕВга
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Ҳорижга чиқиш-кириш
ва фуқароликни
расмийлаштириш бошқармаси
бошлиғи Б. ШОРИХСИЕВга
Самарқанд вилоят Ички
ишлар бошқармаси
ХЧК ва ФРБ бошлиғига
Алимбекова Зарнигор
Авазовнадан
АСОСИЙ ЯШАШ МАНЗИЛИ:
Тошаент шаҳри,
Учтепа тумани, Чилонзор,
23-мавзе, 16-уй, 39-хонадон.
Тел: +99894 6541282**

ШИКОЯТ

(Менга нима учун ҳорижга чиқиш визаси бериш рад этилганлиги, ҳорижга чиқиш ҳуқуқим нима сабабдан чеклаб қўйилганлиги сабабини изоҳла беришингизни сўрайман)

Мен Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани, "Даштакибало" ҚФЙга қарашли Даштисухта маҳалласида туғилганман. Самарқанд туманида доимий рўйхатда тураман.

Айни дамда турмушга чиққанман ва Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор, 23-мавзе, 16-уй, 39-хонадонда истиқомат қиламан ва вақтинчалик пропискада тураман.

Ҳорижга чиқиш учун рухсатнома (ОВИР) олиш мақсадидаги фуқаролар доимий прописка жойларидаги ХЧК ва ФРБга мурожаат этишлари шартли сабаб мен 2016 йилнинг 15 март куни Самарқанд вилоят Ҳорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига чет элга чиқиш рухсатномаси стикер олиш мақсадида ҳужжатларимни топширган эдим.

Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ ходимлари мени роппа-роса 78 кун сарсон-саргордон қилишди ва ниҳоят шу йилнинг 31 май куни паспортимни қайтариб беришди.

Паспортимни қўлимга олганимдагина Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ томонидан менинг

паспортимга чет элга чиқиш рухсатномаси стикер урилмаганлиги маълум бўлди.

"Менга нима учун чет элга чиқишга рухсат берилмади?" деган савол билан Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бошлиғи Олим аканинг қабулига кирдим ва улардан:

"Нима учун ҳамма жойга ёз-чиз қилиб овора бўлиб юрибсиз? Бекорга адвокатга пул тўлаб ариза ёздирганингиз қолди. Сизга чет элга чиқишга рухсатнома берилмади. Бунинг сабабини биз билмаймиз. Тепадан, Тошкентдан сизга ОВИР бериш "отказ" қилинди. Бизга шундай топшириқ берилган" деган жавобни олдим.

Жаноблар!
Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон фуқаролари эркин тарзда ҳорижга чиқиши ва кириши белгилаб қўйилган. Демак, менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим Конституция билан кафолатлаб қўйилган.

Бас шундай экан, нима сабабдан менинг Конституция билан белгилаб қўйилган ҳуқуқим ХЧК ва ФРБ томонидан топталмоқда.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ" тўғрисидаги қарорнинг "III. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар" деб номланувчи бобида чет элга бориш ҳуқуқини чеклашга асос бўладиган ҳолатлар аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган.

Ана энди айтингчи, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ" тўғрисидаги қарорнинг қайсибир моддасига асосан менинг ҳорижга чиқиш ҳуқуқим чеклаб қўйилди? Нима учун менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим паймол этилмоқда?

Мен юқоридаги саволимга Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ ходимларидан ҳеч бир жавоб ололмадим.

Модомики, менинг ҳорижга чиқиш ҳуқуқим чеклаб қўйилган экан, нима сабабдан менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим Ички ишлар идоралари томонидан паймол этилаётганлигининг сабабларини асослаб беришларингизни талаб қиламан.

**Алимбекова Зарнигор
Авазовна**

3 июнь, 2016 йил

Ўш шаҳар кенгаши куни кеча Айтмамат Қадирбаевни ҳоким этиб қайта сайлади. Унинг номзодини 41 депутат қўллаган. Яна бир номзод Алишер Мойдунов эса 4 овоз олган.

Кузатувчилар, бу сайлов одатий, кутилаётгандай бўлганини, бироқ овоз бериш жараёнида қонунбузарликларга йўл берилганини айтмоқда.

Ўш шаҳрига эскиси янги ҳоким этиб сайланди

Жанубий пойтахт хисобланган Ўш шаҳар раҳбарлигига иктидордаги ҳоким Айтмамат Қадирбаевнинг қайта сайланиши кутилган хол эди. Сабаби, унинг номзодини шаҳар кенгашида кўпчилик коалицияни тузган "Социал – демократлар", "Бир Бол", "Маконим Қирғизистон" партиялари таклиф қилган. Ушбу партияларда умумий 27 мандат бўлса, ҳоким бўлишлик учун эса 23 овоз олиш кифоя қилади.

Сайлов жараёнида шаҳар кенгашида озчилик коалициядаги "Қирғизистон" ва "Республика-Ота Юрт" партиялари ҳам Айтмамат Қадирбаевга овоз берганлар. "Онугуу-Прогресс" партиясининг тўрт депутатигина ўзларининг номзодини сайлаганлар.

Овоз бериш жараёнининг натийжасини Ўш шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси раҳбари Абдиджалил Муратов эълон қилди.

"Тарқатилган бюллетенлар сони 45. Қутичага солинган бюллетенлар сони ҳам 45. Яроқсиз ёки барчасига қарши дея овоз берилганлар йўқ. Биринчи номзод Айтмамат Қадирбаевга 41 овоз, иккинчи номзод Алишер Мойдуновга тўрт овоз берилди. Натийжада Қадирбаев Ўш шаҳрининг ҳокими этиб сайланди" – дейди Абдиджалил Муратов.

Сайлов натийжаси қандай бўлишини аввалдан билганми ёки шунчаки рақобат учун таклиф этилган "Онугуу-Прогресс" партиясидан номзод Алишер Мойдунов овоз бериш жараёнида шаҳар кенгашига келгани ҳам йўқ.

Фракция раҳбари Абдидсаит Каримбеков номзодни сайловга келмаганини, унинг ўз ихтиёри эканини айтади. У ҳариккала номзод ҳам шаҳар кенгаши депутатларига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўзларининг платформаларини таклиф қилмаганидан норози.

“Биз таклиф қилган номзод сайловнинг бошланишида келган. Сайлов комиссияси раҳбари номзодлар хоҳласа бу ерда ўтирса, хоҳламаса сайловга қатнашмай қўйса ҳам бўлади деб айтди. Шундан кейин Алишер Мойдунов ташқарида, эркин юрди. Умумий ҳисобда бу сайловда қўпол қонунбузарликлар бўлгани йўқ. Бироқ мен номзодларга ўз дастурлари билан таништиришга руҳсат берилмаганидан хафаман. Шаҳарни тўрт йиллик келажагини танляпмиз, сайлов олдида номзодларнинг дастурларини, уларнинг фикрларини эшитайлик, кейин сўраб олганга ҳам яхши бўлади деб таклиф қилдим. Афсус, бу таклифим инobatга олинмади” – дейди Абдисаит Каримбеков.

Мустақил кузатувчилар сайлов адолатли ўтмаганини билдирмоқдалар. Улар овоз бериш жараёни маҳфийлиги сақланмаганини айтади. Сабаби, ҳукумат партиялари ўз депутатларига ишонмасдан, уларнинг ҳар бир бюллетенларини назорат қилиб турган.

“Сайлов жараёнида ҳамма депутатлар ташқарига чиқиб, бирдан кириб овоз беришди. Кузатувчи сифатида ҳар бир партиядан биттадан вақил қолди. Бошқа партияларнинг вақиллари узокрокда ўтирса, СДПК партиясини депутати Шакир Зулимов сайлов қутиси яқинига келиб, ўтириб олди. Баъзи депутатлар унга бюллетенларини кўрсатиб, кейин қутичага солаётгани кўриниб турди. Бу сайловда овоз беришнинг маҳфийлик принципини бузилишидир. Бундан ташқари, шаҳар кенгаши раҳбари Жапар Ормонов ҳам қути яқинида овоз бераётганларни текшириб, сайлов комиссиясини аъзоларига буйруқ бериб юрди” – дейди “Интербилим” нодавлат ташкилотининг ўш бўлими раҳбари Гулғақи Мамасалиева.

Собиқ ва янги шаҳар ҳокими Айтмамат Қадирбаев 2013 йилнинг 15 январидан ўш шаҳар ҳокими этиб сайланган.

Ўша пайтда собиқ ҳоким Мелис Мирзақматовнинг ягона рақобатчиси бўлиб, шаҳар кенгаши депутатларининг 25 овозини қўлга киритган.

ЎХХ ахборот бўлими


Оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда инсон шаъни ва фуқаролар ҳуқуқлари олий қадрият, деб жар солинадую аслини олганда кейинги пайтларда бу баландпарвоз гаплар унчалик ҳам тўғри эмаслигини кўпчилик сезиб қолаётти. Ҳуқуқи бузилган фуқаро қай ташкилотга бош сўқмасин, унинг ҳаракати “исёнкор”ликка йўйилади, ўзи эса “ёзувчи”га чиқарилади. Буни билган яна ўша ўзбекчиликка борадию, “Э, менга нима, шу билан тенглашиб юраманми”, дея қўл силтаб кетаверади. Кейинги йилларда Навоий вилоятида бундай ҳолатлар кўп учраётти. Ва ҳуқуқи бузилаётганларнинг аксарияти журналистлардин. Буни Навоий вилояти ҳокимлиги муассислигидаги “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти мисолида ҳам кўриш мумкин

«Боши йўқ» бош муҳаррир

“Дўстлик байроғи”да душманлик ишлари

“Дўстлик байроғи” газетаси 1983 йилдан буён чоп этиб келинаётти. Утган вақт мобайнида газетага кўплаб таниқли журналистлар муҳаррирлик қилди ва уларнинг деярли барчаси нашрни ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, меҳнат қилаётган журналистларни қўллаб-қувватлаш йўлида самарали меҳнат қилишди. Бир қарашда барчаси ўз йўлида эди, таҳририят вилоятда журналистика мактабини ярата олганди. Чунки, бу ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Исроил Холбоев, “Шуҳрат” медали ва “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Салима Умарова, “Шуҳрат” медали соҳиби Холбиби Сафарова сингари номдор журналистлар фаолият олиб боришарди. Бироқ таҳририятга 2015 йилда Абдумажид Жўраев бош муҳаррир бўлиб келдию, ҳаммаси остун-устун бўлиб кетди.

Таҳририятга бош муҳаррир бўлишидан олдин вилоят ҳокимлигида матбуот котиби бўлиб ишлаган А.Жўраев ишини таҳририятни “тозалаш”дан бошлади. Унинг вилоят ҳокимлигига билдирган фикрича, газета “ёзувчи”ларнинг уяси бўлиб қолган эмиш. Аслини олганда эса, у вилоят ҳокимлигига шуни сабаб қилиб кўрсатган ҳолда ўзига ёқмаган ёки олдиндан адовати бўлганларни ишдан олиб ташлашни ва атрофига



“Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат қарорига қаршилик қилиш билан мамлакатимизнинг конституцион қонунчилигини бузиш билан алоқадорликда бўлиши аниқланди.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қўлламоқ:

“Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат қарорига қаршилик қилиш билан мамлакатимизнинг конституцион қонунчилигини бузиш билан алоқадорликда бўлиши аниқланди.

“Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат қарорига қаршилик қилиш билан мамлакатимизнинг конституцион қонунчилигини бузиш билан алоқадорликда бўлиши аниқланди.

“Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат қарорига қаршилик қилиш билан мамлакатимизнинг конституцион қонунчилигини бузиш билан алоқадорликда бўлиши аниқланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 июлда қилинган қарорига асосан.

ўз одамларини жойлаштириб олиб, кўп йиллар “ҳукмронлик” қилишни мақсад этганини мутасадди шахслар сезмади.

А.Жўраев бу йўлда қатъий иш бошлади ҳамда вилоят ҳокимининг “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат қарорига қаршилик қилиши билан мамлакатимизнинг конституцион қонунчилигини бузиш билан алоқадорликда бўлиши аниқланди. Узоқни ўйлаган муҳаррир қарорга таҳририят ходимларини аттестациядан ўтказиш, иш ҳақларини камайтириш, иш ўринларини қисқартириш каби банларни киритганди. Ҳолбуки, таҳририят штатлар жадвали тўғри тузилган ва барча ортиғи билан ўз ишига эга эди.

Вилоят ҳокимлиги юристи ҳам Жўраевнинг мақсадини тушунмасдан қарор лойиҳасини тасдиқдан ўтказди ва вилоят ҳокими унга имзо қўйди. Шу тариқа бош муҳаррир вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг қўли билан ўз мақсади йўлида биринчи қадамни ташлади: 2015 йил 4 июнь куни Қ-91 – сони билан қарор қабул қилинди. Аслини олганда ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эканлигини на вилоят ҳокимлиги юристи, на адлия бошқармаси, на вилоят ҳокими сезди. Чунки, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги Ўзбекистон

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганди. Ушбу қарор эса очиқчасига цензура эди.

Журналистлар вилоят ҳокимининг қарорига қаршилик билдира болашди. Аммо Жўраев уларни "Вилоят ҳокими ёмон, қарши чиққанларни ишдан ҳайдаб юборади. Буларнинг барчаси Эркинжон Турдимовнинг иши, мен нима қилай" дея ўзини оппоқ кўрсатишдан нарига ўтмасди. Ҳолбуки, қарор лойиҳасини айнан муҳаррирнинг ўзи тайёрлаганини ва унинг юқоридаги мақсадларини барча ҳам билмасди.

Шу тариқа қарор кучга кирди ва пешона тери билан ҳалол маош олиб юрган таҳририят ходимларининг ойлик маошлари деярли учдан бир қисмга камайтириб ташланди. Журналистларнинг "исён" қилишидан кўрққан вилоят ҳокимлигидаги айрим мутасаддилар аттестацияни ўтказмасдан, шунчаки кейинги сурилди, деб қўя қолишди. Иш топши қийин бўлиб қолган бир вазиятда айрим иш ўринлари қисқартирилди.

Жўраевнинг жўраси кўп экан...

Ўйлаган мақсади амалга оша бошлаганидан хурсанд бўлган

Жўраев энди яккаҳоқимлик борасида навбатдаги қадамини ташлади. Таҳририятнинг "Знамя дружбы" газетаси бўйича муҳаррир ўринбосари Камола Адизовани турли алдовлар билан ишдан бўшатиб юборди. Чунки раҳбар ишдан кетса, унинг ўрнига аввало ўринбосар асосий номзод бўлиши маълум.

Доимий равишда "жойимни тортиб олади" деган қўрқув билан яшаш Жўраевни адои тамом қилиб бораётганди. Шу тариқа бош муҳаррир биринчи ўринбосаридан кутулди. Энди навбат "Дўстлик байроғи" газетаси масъул котиби Руслан Сабуровга эди. Чунки, бир неча йилдан бери "Дўстлик байроғи" газетаси бўйича бош муҳаррир ўринбосари йўқ, унинг вазифаларини масъул котиб Сабуров бажариб келаётган эди. Рус жамоаси Адизовага қулоқ солгани каби ўзбек жамоаси ҳам Сабуровни қўллаб-қувватлашини билган бош муҳаррир яна хийла ишлатди ва масъул котибни ҳам "нари" суриб юборди. Унинг ўрнига эса ўз жўраси Олим Жалиловни келтириб қўйди. Таҳририятдаги журналистларнинг айтишича, айни кунда масъул котибликни ҳатто газета макетини чиза олмайдиган, гонорарни ҳисоблай билмайдиган Жалилов бажариб келмоқда.

Хуллас, бош муҳаррир 2 та ўринбосарлик лавозимига ҳеч кимни ишга олмасдан, вакант ушлаб турибди. Унинг бу ҳаракати туфайли ҳар иккала газета ҳам имловий хатолар, ғализ жумлалар билан чоп этилаяпти. Вилоят ҳокимлигидаги "жўраси" туфайли бу қинғирликларни ҳеч ким кўришни истамаётгани эса ичкиликбозликдан бери келмайдиган Жўраевнинг ҳамтовоқлари вилоят ҳокимлигида ҳам борлигини сездириб қўйди.

Бундан ташқари, бош муҳаррир ҳисобчиси билан тил бириктирган ҳолда "соққа қилиш" ниятида енг ичида кўплаб ишлар қилмоқда. Буни ҳам на нозорат органлари, на миллий хавфсизлик хизмати кураторлари кўраётгани йўқ, тўғрироғи кўришни иштамаяпти. Балки, бу органларда ҳам Жўраевнинг жўраси бордир...

Хуллас, Навоий вилоят журналистқасининг асосий мактаби ҳисобланган таҳририят кейинги йиллар ичида бош муҳаррирнинг қилиқлари туфайли остун-устун бўлиб кетди, журналистларнинг ҳуқуқлари бузилди (бузилишни давом этаяпти). Таҳририят жамоаси бир-неча маротаба мурожаат қилишига қарамасдан, ҳамон ўзгариш бўлмапти.

Санобар Саидова
журналист



Тарихдаги илк Туркия-Украина саноат форуми

Темир парда очилиб, Совет иттифоқи парчалангач, Марказий ва Шарқий Оврўпадан Ўрта Осиёнинг Турк республикаларига, Болтиқ денгиздан Владивостокка, Болқондан Кавказга қадар кенг жўғрофий ҳудудда бир куч-қудрат бўшлиғи юзага келди.

Россия Федерацияси собиқ Совет иттифоқини ташкил қилган мамлакатларни Мустақил

Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти остида жамлашга уринаркан, Болтиқ давлатлари бундан мустасно, Оврўпа иттифоқи ва АКШ бу вақтда Марказий ва Шарқий Оврўпадаги бўшлиқни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тезда тўлдирди. Оврўпанинг Тикланиш ва тараққиёт банки, IMF ва Жаҳон Банки каби ташкилотлар кучли молиявий дастурлар билан

минтақадаги инфратузилма ислохотларини қўллаб-қувватлар экан, Оврўпа иттифоқи китъада абадий тинчлик ва фаровон келажакни таъминлаш мақсадида ўзининг катта молиявий сармоялар билан ушбу буюк ўзгаришларга кенг йўл очди. Бирма-юир Шарқий Оврўпа давлатлари, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва Болқон ўлкаларининг бир қисми НАТОга аъзолик ёрдамида Фарбнинг ҳимоясига кирар экан, Оврўпа иттифоқига аъзолик билан эса сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам Фарбнинг бир парчасига айландилар. 2000-йиллар бошига қадар ўзининг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини ўнглай олмаган Россия эса ушбу жараёнга тўсқинлик қила олмади.

Бу даврда мамлакатимиз молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, ривожланиш даражасининг нисбатан пастлиги, ҳамда тадбиркорлик борасида тайёргарлик ва тажриба етишмаслиги билан тайёр ҳолатда эмас эди. Оврўпадаги бу катта ўзгаришларда қатнашиш имконияти бой берилди. Ўрта Осиё

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Турк мамлакатлари ва Кавказда эса жўғрофий яқинлик, тарихий ва маданий алоқалар ёрдамида қисман бўлсада бу бўшлиқлар тўлдирилди ва нисбатан ижобий ҳолатга эришилди. Бу орада Украина, деярли 25 йил давомида Ғарбни ёки Россияни танлаш мажбуриятида қолди, токи 2014 йилнинг феврал ойига қадар. Президент Януковичнинг мамлакатни тарк этиши натижаси дея баҳоланган Оврўпа Майдони воқеаларидан сўнг шаклланган ҳукуматлар ва парламентлар Ғарб фойдасига қайтиб ўзгартирилмас танловни амалга оширдилар. Ўзгаришлар ва тузилма ислохотларини амалга ошириш энди бир танлов эмас, балки зарурат сифатида ҳам халқ ва ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинмоқда. Россия билан юзга келган сиёсий кескинликнинг иқтисодий томони Оврўпа иттифоқи билан амалга оширилган Ҳамкорлик ва эркин савдо келишувларининг кучга кириши натижасида Украинанинг ташқи тижорати борасида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Кўп эмас бундан бир неча йил аввал 30-35 фоизли кўрсаткич билан Украинанинг энг катта ташқи савдо ҳамкори бўлган Россиянинг улуши бугунги кунда 8 фоизга қадар тушиб кетаркан, Оврўпанинг улуши 30 фоиздан 45 фоизгача кўтарилган. Ғарб Украинадаги тузилма ислохотлари учун тўрт йилда 35 миллиард долларлик молиявий ёрдам кўрсатган. Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тузилмалари янгидан қурилиб, стандартлар ўзгармоқда.

Ўлкамиз Украинадаги катта ўзгаришларга ўз хиссасини қўша олади, ҳамда бу жараёнда муҳим аҳамият касб этиши мумкин

Шимолий қўшниси Украинада катта ўзгаришлар амалга оширилаётган бир вақтда, Туркия энди 25 йил аввалги Туркия эмас. Сўнгги йигирма йил давомида Оврўпа иттифоқи билан божхона келишувлари бўлган мамлакатимиз, иқтисодини катта эҳтимол ила Оврўпа билан бирлаштиришга яқин турибди. Ташқи тижоратда, тараққиёт, банк ва молия соҳаларида ва хусусийлаштиришда жиддий муассасаларга асос солинди, ва булар ҳозирда ижобий самара бермоқда. Тадбиркорларимиз эндида етарли маълумотларга



эга, илмли ва юқори тажрибали. Ширкатларимизнинг сармоя салоҳиятлари катта, ҳар йили чет элларда миллиардлаб доллар сармоя кирита оладиган ҳолга келдилар. Чет тили муаммоларини ҳал қилган турк мутахассислари, дунёнинг ҳар ўлкасидаги кўп миллатли компанияларнинг юқори бошқарув лавозимларида муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Шу сабабдан, Украина билан тарихда энг яхши иқтисодий ва сиёсий муносабатларни бошдан кечириётган вақтимизда бу катта ўзгаришлар даврида ўз овоз ҳуқуқимизга эга бўлиш, яъни Украинанинг қурилиш жараёнида бу дўст мамлакат келажагига ҳар турли соҳада ўз хиссамизни қўшиш имкониятига эгамиз. Керак бўлса давлат микёсида, керак бўлса хусусий сектор сифатида катта маъсулиятли ишларни ўз елкамизга ола биламиз.

Туркия Украинанинг тезкор тараққиёти жараёнида яхши бир модел бўла олади

Аслида, Украинадаги ҳолатимиз шу онда ҳам ёмон эмас. Мамлакатдаги турк сармояси 2 миллиард доллардан ортиқ. Пудратчиларимиз амалга оширган 5 миллиард доллардан ортиқ баҳодаги ишлар борасида Украинанинг энг нуфузли ва юқори даражали лойиҳалари соҳасида шартномалар имзолар эканлар, метро ва йўл иншоатлари, элект-энергияси станциялари соҳасидаги келишувлар янги қозонилган тендерлардан бир нечтаси халос. Украинанинг учта йирик уяли алоқа операторларидан

бири ҳам Turkcell, кўплаб етакчи чакана савдо белгилари ҳам ёки туркларга қарашли ёки турклар томонидан бошқариб келинмоқда. Мамлакат бўйлаб тарқалган нуфузли тадбиркорлар уюшмалари мавжуд. 1200 дан ортиқ ходимга эга Оврўпа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг махсус кузатиш миссияси бошида турк дипломати иш олиб бораётган бир вақтда, Украинанинг энг йирик хорижий инвестори бўлган Оврўпа тикланиш ва тараққиёт банкининг мамлакатдаги раҳбари ҳам турк барнқиридир. Бир неча кўп миллатли фирмаларнинг юқори бошқарув лавозимларида турк мутахассисларига дуч келамиз. Турк Ҳаво Йўллари ширкатлари Истанбулдан ўлканинг саккизта шахрига учиши билан бир қаторда, Турк Ҳаво Йўллари Украинадаги энг катта хорижий ҳаво йўли ширкати ҳамдир. Туркия украинларнинг энг авфзал кўрувчи туризм нуқтаси. Аммо булар етарлими? Албатта йўқ. Авиакомпанияларимиз ҳали қўшимча парвоз учун рухсат олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда, баъзан олинган рухсатларда ҳам ҳар хил баҳоналар кўрсатилган ҳолда, муаммолар келиб чикмоқда. Икки мамлакат учун ҳам, айниқса Украина учун катта аҳамиятга эга бўлган Туркия-Украина эркин тижорат шартномаси ҳам ҳали имзоланмаган. Сиёсатда, маслаҳатчи кадрларда, давлат муассасаларида, жамоат компанияларининг юқори лавозимларида қўйингки Олмоничнинг, қўшни Полшанинг,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бир неча миллион аҳолига эга Грузиядан, Болтиқ бўйи мамлакатларидан юзлаб номларни учратар эканмиз, бу соҳаларда ҳеч бир турк мутахассисларини кўрмаймиз. Ҳолбуки, Украинанинг IMF билан муносабатларида, Оврўпа иттифоқи билан иқтисодини бирлаштиришида ва эҳтиёж сезган тезкор тараққиёт жараёнида Туркия яхши бир модел бўла олади, бу масалаларда кўплаб турклар масъулиятни ўз елкасига олиши мумкин.



Украина мустақиллиги тарихида илк маротаба Туркия-Украина саноат форуми ўтказилади

Украина ва Туркия ўртасида сўнгги бир неча йилда ва асосан сўнгги ойлarda давлатлар миқёсида муносабатлар жонланди. Албатта авиациядан муҳофаа саноатига, таълимдан маданиятга, туризмдан иқтисоднинг турли соҳаларигача икки ўлка ўртасида кетма-кет битимлар имзоланди, ва имзоланаяпти. Сиёсий ва техник делегацияларнинг икки томонлама ташрифлари ҳар қачонгидан ҳам тезлашди.

Биз ҳам тадбиркорлар уюшмаси ва хусусий сектор ўлароқ бу жараёнга қўлимиздан келганча ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Украинанинг Туркияда, Туркиянинг эса Украинада янада кўп ва тўғри бичимда кун тартибига чиқиши учун ўнлаб конференция, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди, ва ўтказаямиз. Аммо 1-4 июн кунлари давомида, Туркиянинг саноат маркази Хўжаэлида тарихда илк бор амалга ошираётганимиз Туркия-Украина саноат форуми бу борада жуда муҳим бир лойиҳа сифатда ўртага чикмоқда. Халқаро

Туркия-Украина тадбиркорлар уюшмаси (TUID), ўлкамизнинг бу жўғрофияга қарашли нуфузли ақл марказлари ЭкоОврўосиё, Украина саноат ва тижорат палатаси билан Хўжаэли тижорат палатасининг ҳамкорлигида ташкил қилаётганимиз бу форум, ушбу мақолада ишорат қилишга урунганимиз бир неча масалаларнинг умумий ҳолда ва кенг кўламда кун тартибига олиб чиқилишига хизмат қилади.

Музокоралари 2007 йилдан буён давом этиб келган ва энди имзоланиши охири босқичга келган Туркия-Украина эркин савдо шартномасининг икки мамлакат иқтисодидаги салоҳият бир гуруҳда баҳоланар экан, ораларида сиёсатчилар, матасадди амалдорлар, тадбиркор ва мутахассислардан иборат 200 дан ортиқ иштирокчилар 4 кун давом этадиган форум давомида фикр алмашиш имконига эга бўладилар. Украинанинг тезкор саноат тараққиёти учун модел сифатда кўрган Туркиянинг Ташкилий саноат ҳудудлари фақатгина кўргазма сифатида иштирокчиларга намоиш қилинмай, техник ташрифлар сифатида ерларга

чиқишлар амалга оширилиши мумкин. Форум алоҳида мавзулар билан ёритилиб, Эркин ҳудудлар, Технополислар, Tübitak MAM каби ташкилотларнинг тажрибаларини эса, Украинанинг яратишга урунаётган муассасаларига мисол сифатида амалга оширилган вазифаларини кўришлари мумкин. Икки мамлакат элчилари, тегишли тадбиркорлар ташкилотлари, тараққиёт ва давлат муассасаларининг қатта ёрдами билан энди финал босқичга ўтилди.

Туркия ва Украина ўртасида охириги 5 йил давомида кўплаб шартномалар илк бора имзоланди. Яхши тарафи булар илк боралигича қолмади ва бир қатори доимийлашди. Ҳатто бу тадбирлар, бошқа ўлкалардаги Турк тадбиркорлари уюшмалари томонидан модел сифатида кўрилиб, ўртак ола бошланди. Тарихда илк маротаба ўтказиладиган Туркия-Украина саноат форумининг натижасида муассасалар юзага келиши ва ҳамкорлик давомий бўлишига ишонаман. Дўст ва қўшни мамлакат бўлган Украина бугун Туркиянинг ёрдамига ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Янги Украинанинг қурилишида, бу форум мамлакатимиз номи учун кичик бир пойдевор бўла олса мақсадга эришилган бўлади деб ҳисоблайман.

Буруқ Паҳлавон (Burak PEHLIVAN)

Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди



“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Нурбек Саломов